



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 31 июль, № 155 (9050)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА САМАРАДОРЛИК ВА ЭКСПОРТНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июль куни мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси салоҳияти юқори. Сўнгги уч йилда 250 минг гектар пахта ва галла ери қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди, эскирган 107 минг гектари янгиланди. 1 миллиард долларлик 1 минг 500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Шу ойда Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО Кенгаши аъзолигига сайланди. Бу — миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблағ жалб қилиш учун катта имконият.

Маҳсулотларимиз табиий ва ширин бўлиши учун чет элларда жуда қадрланади. Ташқи бозорларда “Ўзбекистонда етиштирилган” деган бренд шаклланди. Айниқса, қуритилган олхўри ва ўрик, шафтоли, майиз, гилос, дуккакли маҳсулотлар экспорт бўйича юртимиз дунёда юқори ўринларда туради.

Жорий йилнинг 6 ойида озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион доллар бўлди. Экспорт географияси 16 та давлатга кўпайди.

Шу билан бирга, дунёдаги вазиёт қалтис бўлиб боряпти. Об-ҳаво инжиқликлари кўпайиб, одатий ҳолга айланыпти. Бундай шароитда ҳар бир экспорт бозори ўта муҳим.

Лекин ҳамма жойда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Масалан, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг суръати бўйича бошқа ҳудудлардан ортда қолган. Навоий вилояти эса ўтган йилги кўрсаткичларига ҳам етмаган. 21 та туманда экспорт

ўтган йилдагига нисбатан 70 фоизга ҳам бормаган.

Ёки бу йилги мева-сабзавот экспортининг 80 фоизи фақат 5 та давлатга бўлган. Буюк Британия, Италия, Швеция, Япония, Ҳиндистон, Қатар каби талаб юқори ўлжаларга экспортимиз кам. Хориждаги элчихона ва консулхоналарнинг бу борадаги ўрни сезилмаётгани, савдо маслаҳатчиларининг фаолияти суст экани қайд этилди.

Йиғилишда шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва экспортни ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Бу иқтисодий хавфсизликнинг устувор йўналиши экани таъкидланди. Шу боис об-ҳаво ва шароитга мослашиб, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли маҳсулотлар етиштиришга ўтиш зарурлиги айтилди.

Худудлар кесимидаги таҳлиллар асосида экспорт бўйича янги заҳира ва имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Соҳа мутасаддилари ҳалигача эскича ишлаётгани оқибатида ўтган йили мева-сабзавот экспортининг 75 фоизи май — октябрга, яъни жаҳон бозори маҳсулотга тўйинган даврга тўри келган. Қимматроқ сотиш ва мунтазам етказиб бериш учун эса қайта ишлашни ривожлантириш керак.

Масалан, илгор тadbirkorлар олчани “шок” усулида музлатиб, қишда сотишни бошлаган. Юртимизда етишмагани учун қўшни давлатлардан олиб келиб, ре-экспорт ҳам қилган. Шулардан келиб чиқиб дала четида экспорт бўлган маҳсулотлар, хусусан, олчани кўпайтириш зарурлиги айтилди.

Бу йил худудларда 16 та замонавий қадоқлаш корхонаси ишга тушди. Лекин бу ҳали етарли эмас. Экспортга кетаётган мева-сабзавотнинг 18 фоизи за-

монавий қадоқланаяпти, холос. Шунинг учун йил якунигача яна 15 та корхона ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Энг катта экспорт захираларимиздан бири — дуккакли маҳсулотлар. Ҳар йили 450 миллион долларлик ловия, мош, тарих ва нўхат экспорт қилинапти. Лекин ишчи кучи етишмагани учун ҳосилнинг 30 фоизи тўкилиб, исроф бўляпти, катта миқдорда экспорт имконияти бой берилаяпти.

Ривожланган мамлакатларда фермерлар дуккакли экинларни махсус комбайнларда йиғиштилади. Шу боис Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан бундай техникаларга 15 фоизгача субсидия бериш белгиланди. Кредит ставкасининг 10 фоиздан ошган қисми ҳам қоплаб берилди.

Шунингдек, экспортчиларга ташиш харажатларини қисқартириш учун божхона режимида қайта ишланган маҳсулотни ис-талган постдан экспорт қилиш имкони берилди.

Бугунги кунда янги боғлар барпо қилиш ва эскиларини янгилаш учун 350 миллион тул серҳосил ва экспортбоп мева кўчатларига ахтиёж бор. 16 та туманда ташкил этилган “Агростар” компаниялари шу мақсадга қаратилган. Улар ишни, аввало, шундан — уруғ, кўчат ва ўғитдан бошлаш кераклиги таъкидланди.

Шу боис “Агростар” компаниялари учун “in vitro” лабораториялари, мазкур туманларда сақлаш, қадоқлаш, саралаш ва қайта ишлашни ўз ичига олган замонавий агрожамуалар барпо этиш бўйича топшириқ берилди.

Юртимизда 5 минг 100 гектар иссиқхоналар бўлиб, сўнгги етти йилда уларда етиштирилган маҳсулот ҳажми 110 минг тоннадан 546 минг тоннага кўпайган.

Лекин тadbirkorлар кредит юки оғирлиги, ўғит нархи қим-

матлиги, узлуксиз газ таъминоти йўқлиги сабабли қийинчиликка учрамоқда. Хусусан, 600 гектардан ортиқ майдондаги иссиқхоналар фаолиятини тўхтатган, 128 гектари қарздорлик сабабли банк тасарруфига ўтган.

Шу боис иссиқхона хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Эндиликда ички бозор билан бирга экспортга ҳам маҳсулот етиштириш мажбуриятини олган, табиий газда ишлайдиган иссиқхоналарга қишқи мавсумда газ қафолати ҳажмда берилди. Кўмир ёки бошқа муқобил ёқилгига ўтган ҳамда экспорт мажбуриятини олган иссиқхоналарга ҳам табиий газга қайтиш имкони яратилди.

Айланма маблағ етарли бўлиши учун олдиндан тўлов октябрь — март ойларига 50 фоиз қилиб белгиланади. Бунда иссиқхоналар газ корхоналари билан 1 октябргача шартнома имзолайди.

Кўмир ёки бошқа муқобил иситиш тизимига ўтган иссиқхоналарга ажратилган кредит муддати узайтирилади. Иссиқлик на-сослари технологияси асосида иссиқхона ташкил қилганларга харажатларининг 20 фоизгача қисми, бу ишлар кредит ҳисобида бўлса, кредит ставкасининг 4 фоизи қоплаб берилди.

Яна бир янгилик — бундан буён иссиқхоналар, тоифасидан қатъи назар, ер солигини қишлоқ хўжалик ерлари ставкасидан тўлайди. 2028 йилга қадар иссиқхона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилади.

Солиқ қўмитасига иссиқхоналардан қисқартирилган газ қайси соҳаларга йўналтирилгани ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш вазифаси топширилди. Агар у тармоқда қўшилган қиймат кам бўлса, газ иссиқхоналарга йўналтирилади.

Экологик вазиятни ҳисобга

олган ҳолда Тошкент вилоятидаги иссиқхоналар фаолиятининг ҳаво сифатига салбий таъсири билан боғлиқ муаммоларни узиш-кесил қай қилиш вазифаси қўйилди.

Ҳозиргача 224 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган янги самара берди. Бунинг натижасида 420 миллион кубометр сув иқтисод қилиниб, қўшимча 65 минг гектарда мева-сабзавот етиштириш имконияти яратилди. Бунинг учун ўтган йили 2,6 триллион сўм, жорий йил эса 1,2 триллион сўм сарфланди.

Йил якунигача яна 10 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғоришни йўлга қўйиш, 200 минг гектари лазерли текислаш режалаштирилган. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бунинг учун 500 миллиард сўм маблағ ажратилиши, келаси йил дастури учун 2 триллион сўм ресурс шакллантириши топширилди.

Маълумки, яқинда дала четига экин экиш, кооперациялар бўйича қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Сув кодексининг қабул қилинган сув танқислиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ишларни давом эттириб, қишлоқ хўжалигида даромадни ошириш, экспортни рағбатлантириш, илгор стандартлар жорий этиш бўйича ҳам қўшимчиликни мустақамлаш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Хукуматга экспортчи, иссиқхона ва мева-сабзавот етиштирувчилар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, давлат идораларига боғлиқ барча муаммоларини аниқлаш, уларни жойида ҳал қилиб бориш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда тadbirkorларнинг намунали тажрибалари кўриб чиқилди, мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ

Давлатимиз раҳбарига Самарқанд вилоятидаги ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар юзасидан ахборот берилди.

Самарқанд — аҳоли сони ва ўсиши бўйича республикамизда энг йирик ҳудуд ҳисобланади. Бу янги уй-жойлар, инфратузилма, иш ўрни, таълим ва тиббиётга талаб ошади дегани. Сўнгги саккиз йилда вилоятда 1 минг 133 та кўп қаватли уй қурилиб, 56 минг оиланинг турмуш шароити яхшилانган. Мактабгача таълим қамрови 21 фоиздан 73 фоизга, олий таълимда 10 фоиздан 45 фоизга етган.

Иқтисодиётда тўқимачилик, металлургия, электр техникаси, қурилиш материаллари, туризм жадал ривожланмоқда. Бунёдкорлик, йирик лойиҳалар ва юқори даромадли иш ўринлари аҳолининг эртанги кунга ишончини оширмоқда.

Вилоятда камбағаллик даражаси йил бошидан бери 7,5 фоиздан 6,4 фоизга қамайган. Йил якунигача 150 минг одамни ишга жойлаб, 90 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган.

Ўтган саккиз йилда ҳудудда саноат маҳсулотлари 1,7 баробар ўсиб, ҳозирда 45 триллион сўмдан ошган. Лекин бу натижаларнинг 37 фоизи Самарқанд шахрига, 23 фоизи Жомбой, Самарқанд ва Ургут туманларига тўғри келади. Қўшраб, Пайарик ва Нурободда саноат нисбатан ривожланмаган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам “Ислохотлар штаби”

тузилди. Тақдимотда тadbirkorларнинг тақлифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.

Масалан, Нуробод туманида 115 гектар майдонда махсус саноат зонаси ташкил қилиш тақлиф этилмоқда. У ерда 472 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 1 минг 200 та иш ўрни яратилади. Қўшраб туманида хитойлик инвесторнинг 40 миллион доллар тўғридан-тўғри сармояси ҳисобига гранит тошини қазиб олиш ва қайта ишлаш мўлжалланган.

Булуғурлик тadbirkor “in vitro” лаборатория ташкил этиб, картошка уруги бўйича бренд яратишга киришган. Туманда 100 миллион долларлик биофармацевтика корхонасини ишга тушириш ҳам режалаштирилган.

Умуман, вилоятда 1 миллиард 200 миллион долларлик 14 та янги лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 12 минг иш ўрни, 82 миллион долларлик экспорт имконияти очилиши кўзда тутилган.

Президентимиз бу ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳар бир туман-шаҳарнинг инвестициявий жозибдорлиги ва экспорт имкониятларини бир маромда ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ВАЗИЯТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Европа ташқи ҳаракатлар хизматининг муҳим критик минераллар бўйича катта маслаҳатчиси Люк Девинь Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида “Дунё” АА учун берган интервьюсида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамоллигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали натижалари ҳақида фикрларини билдирди:

Дунё нигоҳи

— Фаолиятим давомида Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигида аввалига муҳим критик минераллар савдоси бўйича бош директорат ходими, кейин Европа дипломатик хизмати вакили сифатида иштирок этдим.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари ижобий ривожланаётганини кузатиш бахтига муяссар бўлдим. Бу иккала жараён ҳам бири билан ҳамбарчас боғлиқ. 2016 йилда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан биз у томонидан илгари сурилган, Европа Иттифоқида тўлиқ қўллаб-қувватланаётган жуда муҳим кенг қўламли ислохотлар стратегияси амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу стратегия Ўзбекистоннинг минтақа ва Европа Иттифоқи билан муносабатлари

учун ҳал қилувчи кучга айланди.

Шунингдек, бу Ўзбекистон учун бурилиш нуқтаси бўлди, чунки мамлакатга сиёсий соҳада — демократия ва қонун устуворлигини қўллаб-қувватлаш учун ҳам, иқтисодий соҳада ҳам ислохотлар дастури зарур эди. Хорижий сармояни жалб қилишда иқтисодий очкилик ва қонун устуворлиги жуда муҳим. Шу боис бу соҳалардаги ислохотлар Европа Иттифоқи томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳам қўллаб-қувватлайди ва биз 2026 йилда мамлакат ушбу мақсадга эришадиган деб умид қиламиз.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар кенг қамровли ва орта қайтмас хусусиятга эга бўлиб, бу мамлакатнинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари учун ҳам, хорижий инвесторлар учун ҳам жуда муҳим.

БИРДАМЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

30 июль — Халқлар дўстлиги куни муносабати билан ташкил этилган “Дўстлик” фестивали доирасида бутун мамлакатимиз бўйлаб турли маданий-маърифий тadbirkorлар, кўргазмалар, учрашув ва давра суҳбатлари, концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

Шуқуҳ

Пойтахтимизда уюштирилган “Умумий ҳамжиҳатликни мустақамлаш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим асоси” мавзусида халқаро конференция ана шундай тadbirkorлардан биридир.

Байрамона шуқуҳ ва кўтаринки руҳда ўтказилган анжуманда сенаторлар,

депутатлар, миллий маданий марказлар фаоллари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, қўллаб-қувватлаш ташкилотларининг олим ва экспертлари, мутахассислар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг

маслаҳатчиси Руслан Давлетов ўқиб эшиттирди.

Табриқда қайд қилинганидек, юртимизда қадимий даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилмаҳиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бугун — Янги Ўзбекистон шароитида янгича маъно-мазмун ва аъвалларга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовор. Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айнан шу асосда инсон қадри ва бахти улугланадиган чин маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат дидрига айланадиган бормоқда.

ЯНГИ КАМОЛОН: ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА ВА ҚАДИМ РУҲИЯТ БИРЛАШГАН МАНЗИЛ



Яқин ўтмишимиздан сўзловчи “Ўткан кунлар” романини ўқиганлар асарнинг тили, қаҳрамонларнинг сўзлашув услубини яхши эслайдилар. Эътиборлиси, Абдулла Қодирий қаламида бадииятга кўнган ўша сўзлар, иборалар ва уларнинг соҳиби ҳисобланмиш инсонлар бугун ҳам биз билан замондош, елкадош бўлиб умргузаронлик қилмоқда.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Тошкенти азимда бир томони Эски шаҳарга, иккинчи томони Бешёғочга, Шайхонтоҳур ва Сабзор даҳаларига туташиб кетадиган маҳаллалар, хусусан, Янги Камолон маҳалласида истиқомат қилувчи нурунийлар лаҳжасида айнан ўша тил ҳозир ҳам жаранглаб турибди.

Келинг, бир неча лавҳаларни ёдга олайлик. Асар аввалида Мирзақарим Қутидор билан Ота-



бекнинг илк суҳбатиде Қутидор “Неча ёшга бордингиз?” деб сўраганида, бек одоб билан “Йигирма тўрт ёшга”, деб жавоб қайтаради. Вақт ўтгани сайин гарчи тилимиз анча янги-сайин мутолаасига тутинганимизда тўхтаб-туттилик қолсақ-да, Янги Камолонда “Худого беҳисоб шукр, бундай кўз кўриб,

қулоқ эшитмаган ўзгаришларнинг бари яхшиликга бўлди”, деб бир-бирига юзланадиган нуруний отахону онахонлар билан суҳбатлашганимизда кўнглимиз яйради.

БИРДАМЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Тадбирда сўзга қиққанлар давлатимиз раҳбарининг сана муносабати билан табриги халқимизга ўзгача шукӯҳ ва кўтаринки кайфият бағишлагани, мамлакатимизда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу сазий-ҳаракатлар янги марраларни забт қилишга ундаётганини эътироф этди.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган Халқлар дўстлиги куни қисқа фурсатда юртдошларимизнинг энг севимли байрамларидан бирига айланди. Мазкур ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат байрами мамлакатимизда инсон қадрини, унинг бахт-саодатини чин маънода улуғ эканининг яна бир амалий ифодасидир.



«Халқ сўзи».

Мухоммад АМИН (ўса) олтин сирати.

— Ўзбекистон аҳли азалдан бағрикенг, бу ерда турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилиб келади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хоризждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раиси Қаҳрамон Сариев. — Шу боис

Халқро конференцияда мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ишлар юксак баҳоланди. Ўзбекистон бу борада жаҳоннинг кўплаб давлатлари учун ибрат экани алоҳида таъкидланди.

Бағрикенг Ватанда яшаш — саодат

Конунчилик палатасида турли миллат вакиллари билан фаолият олиб бориб, конун ижодкорлигида ўзига хос ташаббус кўрсатаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бугунги кунда олис ҳудудлардан сайланган халқ вакиллари ўз сайлов округларидаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини қонунлардан сайланган интилаётгани кўп миллатли халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

этномаданий жамоаларга нафақат ўз тилларининг ўзига хослигини сақлаб қолиш, балки жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имконини беради. Шу тилларда расмий веб-сайтлар таржима қилинган, ахборот материаллари чоп этилмоқда, бадий ва маърифий кўрсатувлар тайёрланмоқда.

Янграётган миллий маданият фестиваллари мунтазам равишда ўтказилади. Қозоқ, тожик, қорақалпоқ ва бошқа тилларда адабиёт ҳамда луғатлар нашр этадиган нашриётларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мамлакатимиз халқларининг адабий анъаналарини асраш ва ривожлантиришга имкон яратмоқда.

лан безатилади ҳамда ҳақиқий дўстлик ва ахиллик байрамига айланиб бормоқда.

Яқинда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегарасида ўрнатилган «Дўстлик» стеласи нафақат яхши қўшничилик, балки тинчлик, тараққиёт ва ўзаро тушунишга бўлган умумий интилишнинг рамзига айланди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда юз бераётган воқеалар миллатлараро тотувлик ва маданий хилмахилликнинг долзарблигини акс эттиради. «Дўстлик» фестивали доирасида Президентимиз ташаббуси билан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий ватандошлар билан алоқалар қўмитаси хузурида барпо этилган миллий маданий марказлар павильонларининг тантанали очилиш маросимида кенг жамоатчилик, дипломатик корпус ва халқро ташкилотлар вакиллари, миллий маданий марказлар фаоллари қатнашди.

Депутат сифатида алоҳида қайд этишни жоизки, миллий хилмахиллик — салоҳиятимиз. Бу бизнинг умумий сармомиямиз бўлиб, уни асраб-авайлашимиз ва келгуси авлодларга безавол қолдиришимиз керак.

Галия РАЙХАНОВА, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати.

Мамлакатда истиқомат қилувчи халқларнинг она тили ва маданиятини сақлаш, ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу нафақат конунчилик сиеётида, балки таълим, оммавий ахборот воситалари ва маданий ўзини намоён этишни қўллаб-қувватлашнинг амалий механизмида ҳам ўз аксини топмоқда.

Босма нашрлар ўндан ортиқ тилларда чоп этилмоқда. Бу нашрлар ҳам қозоқ, ҳам электрон



шаклда чиқарилади ва нафақат пойтахтни, балки узоқ ҳудудларни ҳам қамраб олгани ҳолда барчанинг бирдек ахборотга эга бўлиши ва маданий ўзлигини намоён этишига кўмаклашмоқда.

Миллий театрлар, кутубхоналар, маданият уйлари ва ижодий уюшмаларни, шу жумладан, озчилик миллатлар тилларидаги ташкилотларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ушлаб тилларда сўз, мусиқа ва шеърлар

маданий марказлар ва 40 га яқин дўстлик жамиятлари ўз халқларининг анъанавий байрамларини ташкил этаётгани эътиборга молик, албатта. Масалан, татар ва бошқирларнинг «Сабантуй»и, корейларнинг «Чусок»и, арманларнинг «Вардавар»и, қрим татарларини ва қорақалпоқларнинг «Хидирлез»и. Бу байрамлар давлатнинг кенг қўламини қўллаб-қувватлаши билан ўтказилади, концертлар, кўргазмалар, миллий таомлар би-

Халқ таълими тизимида етти тилда: ўзбек, рус, тожик, қозоқ, туркман, қорақалпоқ ва қирғиз тилларида таълим берилаяпти.

Уқувчилар нафақат она тилларида таълим олиши, балки давлат тили бўлган ўзбек тилини ҳам эркин ўзлаштириш имкониятига эга. Бу уларнинг ўзлигини сақлашга ҳамда ижтимоий-фўқаролик муҳитига самарали қўшилишига ёрдам беради.

Телекўрсатувлар 12 дан ортиқ тилларда эфирга узатишмоқда. Бу

Дунёда озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда шולי ва ундан олинадиган неъматларнинг ўрни беқийс. Аммо шולי озуқага ўта талабчан экин бўлгани боис, уни парваришнинг ўзига яраша машаққатлари ҳам бор, албатта. Мисол учун, 1 гектар шолитордан ҳосил олиш учун ўрта ҳисобда 15000 — 25000 куб метр сув сарфланади. Бундан ташқари, 1 тонна шולי етиштириш учун 24,2 кг. азот, 9,8 кг. фосфор, 31 кг. калий талаб этилади. Шундай бўлса-да, мазкур сарф-ҳаражатлар шолчиликка бўлган эътиборга соя солгани йўқ. Аксинча, тармоққа илм-фан ютуқлари, хорижнинг илғор тажрибаларини изчил қўллаб, сарф-ҳаражатларни камайтириш, маҳсулдорликни оширишга руҳлантормоқда. Негаки, халқимиз тўй-тантаналарию турли маросимлари гурчусиз ўтмайди-да!

ШОЛИЧИЛИКДА КОРЕЙС ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё хабиға айланишига хизмат қилади

Ҳамкорлик

Марказий Осиёда ягона бўлган Шолчилик илмий-тадқиқот институтида кейинги пайтда шולי етиштириш агротехникасини такомиллаштириш, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароити, сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда уруғчиликни йўлга қўйиш борасида илмий-амалий ишлар олиб боришмоқда. Бу борада узоқ йиллик тажриба ва имкониятга эга бўлган Корея Республикаси билан амалий алоқалар ўрнатилди. Ўтган йили «КОРИА» компанияси билан институти ўртасида умумий қиймати 3 млн. 750 минг долларлик бўлган лойиҳанинг имзоланишини ана шу сазий-ҳаракатларнинг меваси, дейиш мумкин.

институт директори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори Абдулла Мансуров. — Чунки илгари шолиторнинг тошлардан тозалайдиган техниканинг ўзи йўқ эди. Ишлатиб кўрдик, самардорлиги жуда юқори. Шולי ўрадиган комбайн ҳам жуда қулай ишланган. Бугун тажриба ҳўжалигимизда шолининг юзлаб навларини ҳосил синовлар ўтказилаётир. Маҳаллий навлар қатори Ер юзининг турли чеккаларидан келтирилган шולי уруғлари ҳам ўрганишмоқда.

Ўтган йили лойиҳа доирасида республикамиздаги шолчиликка ихтисослаштирилган 21 та ҳўжаликка 335 гектар ерга экиш учун этадиган миқдорда юқори ҳосилли шולי уруғлари етказиб берилди. Шу уруғлар хосияти олимлирининг маслаҳати билан шолиторлар ҳар гектардан 67 центнергача ҳосил кўтаришиди. Шу тариқа «КОРИА» компанияси билан ҳамкорликда етказиб берилган уруғларга қизиқиш сезиларли даражада ошди.

Ўтган қисқа давр ичида корейс томони мазкур лойиҳа доирасида Шолчилик илмий-тадқиқот институтига жами 556 минг АҚШ долларлик асбоб-ускуналар, шולי уруғини экадиган, ерни турли ўлчамли тошлардан тозалайдиган, ҳосилни тез ва тўкиб юбормасдан ўриб берадиган сўнги русумдаги техника воситаларини етказиб берди.

— Бу йил уруғлик шולי майдонлари икки қарра ортди ва жами 630 гектарни ташкил этмоқда. «Искандар», «Мустақиллик» ва «Лазур-

ний» навлари экилган далаларда бўлсангиз, кўз қувонади, — дейди Абдулла Мансуров. — Дастлабки кузатишлар ҳосилдорлик 70 центнердан юқори бўлишини кўрсатмоқда. Чунки биз уруғ еклишидан аввал ернинг тайёрлини, даланинг ҳолати ва фермернинг илгари эришган ютуқларига ҳам эътибор қаратдик. Чунки уруғлик дон етиштириш айримлар ўйлаганидек осон иш эмас.

Шолида учрайдиган турли зараркунанда ва касалликлар белгисини барвақт аниқлайдиган замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрнатилгани ҳам айна мудоао бўлди. Негаки, шולי ҳосилдорлигига раҳна соладиган иллатни оддий кўз билан аниқлаб бўлмайди. Зараркунанда тухумлари, уларнинг ривожланиш фазаларини кўриш ҳам осон эмас. Буларнинг барчаси — лабораторияда, замонавий кузатиш ускуналари кўмагида амалга ошириладиган иш. Лойиҳанинг яна бир жиҳати, институти лабораториясининг қайта жиҳозланишида яққол намоён бўлди. Бу жараёнда кимёвий воситаларнинг таъсирчанлиги ҳам атрофича таҳлил этилмоқда. Қайси бегона ўтга, қайси за-

паркунанда ё касалликка қай бир кимёвий воситани қанча мезёрларда қўллаш керак, барчаси чуқур таҳлил асосида амалга оширилмоқда. Бундан, албатта, шолиторлар манфаат топяпти.

— 30 гектарлик шолиторимизга институтидан уруғлик келтириб экандик, ривож эўр, аммо бегона ўтлар роса қийнади, — дейди Бувайда туманидаги «Нури бахт» фермер ҳўжалиги раҳбари Равшанбек Зияев. — Ўзимизнинг олимлар билан бирга, далани кўргани келган корейлик мутахассисга биринчи берган саволим шу бўлди: бегона ўтни қандай қилиб шолига зарар келтира олмайдиган даражада камайтирса бўлади? «Буни иложи бор. Фақат бир йил эмас, бегона ўтга қарши уч-тўрт йил узлуқсиз курашинг, натижа юқори бўлади» деди у.

— Биласиз, Хоразмда даланинг шўрини ювмасдан деҳқончилик қилиб бўлмайди ва бу махсулот таннархини оширади. Ана шу сабабли олимлар маслаҳатига амал қилганимиз, — дейди Гурлан туманидаги «Ихлосбек» фермер ҳўжалиги раҳбари Расулбек Ҳасанов. — Ҳозир 60 гектарлик шо-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ВАЗИЯТ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг Ўзбекистон кейинги йилларда нақадар жадал ривожланиб, модернизация қилинаётганини кўриш қувонарлидир.

қавий ҳамкорликнинг ушбу ижобий жараёнларини қўллаб-қувватлашга интилади, савдони ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган интеграция соҳасидаги тажрибасини Марказий Осиё мамлакатлари билан ўртоқлашади.



па Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий динамикасини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар хал қилувчи таъсирга эга.

Ўзбекистоннинг янги сиёсати минтақадаги барча давлат билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлагани туфайли Марказий Осиёдаги вазият бутунлай ўзгарди. Чегара масалаларини биргаликда ҳал этиш, минтақа давлатлари ўртасида чегара пунктларини очиш, сув муаммоларини ҳал қилиш каби ижобий натижалар қайд этилди. Биз минтақада қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол ҳамкорлик, жумладан, сармомия шерилик ривожлантиришга қўриқимиз.

Шу нуқтаи назардан, 2022 йилда Самарқандда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор алоқалар бўйича конференция, шунингдек, 2025 йил апрель ойида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити муҳим воқеа бўлди.

Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон Европа билан муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор эканидан жуда мамнундир.

Европа Иттифоқи муносабатлари самарали ривожланиб, кундан-кун яхшилана бормоқда. Умид қиламизки, алоқаларимиз бундан кейин ҳам янада мустаҳкамланади.

Европа Иттифоқи минта-

Ўзбекистон билан Евро-

САРИМОЙ ҚИШЛОГИДА ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ

Тупроққалъа туманида Франциянинг «Voltaia» компанияси томонидан қуввати 100 мегаваттлик қуёш электр станцияси барпо этилмоқда. Ушбу станцияга дастлабки қуёш панели ўрнатилди.

Биринчи босқичда қуёш панеллари ўрнатилади. Худудда бургилаш йўли билан 33 мингдан ортиқ қозилар жойлаштирилиб, бетонланади. Иккинчи босқичда юқори кучланишли нимстанция қурилади. Учинчи босқичда эса ишлаб чиқарилган электр энергиясини миллий электр тармоқлари нимстанциясига етказиб беришга электр тармоқлари тортилади.

Бунёдкорлик



— Саримой қишлоғи яқинидаги 180 гектар майдонда қурилаётган станцияга 200 минг донадан зиёд қуёш панеллари ўрнатиш режалаштирилган, — дейди «Voltaia» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили Кэроле Понтаис. — Қурилиш давомида ўндан ортиқ давлатлардан мутахассислар жалб қилинади,

500 нафар маҳаллий аҳоли иш билан банд бўлади. Лойиҳа амалга ошириш натижасида 60 мингдан кўп хонадонлар электр энергияси билан кафолатли таъминланади.

— Қурилиш ишлари тўртта босқичда олиб борилади, — дейди лойиҳанинг қурилиш менежери Жонибек Исмаилов. —

Тўртинчи босқичда миллий электр тармоқлари нимстанциясида қўшимча қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Барча қурилиш жараёнини жорий йил охиригача яқунлашни мўлжаллаяпмиз.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳа орқали 76 млн. метр куб табиғий газ тежаллади, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқилишининг олди олинади, худуд аҳолиси экологик тоза, «яшил» энергия билан таъминланади.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

Янги Камолон: ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА ВА ҚАДИМ РУҲИЯТ БИРЛАШГАН МАНЗИЛ



Маҳалла идорасига ёши бир асрдан ҳам ошган салобатли тут дарахти соя солиб турибди. Кўп қаватли уйлар, дўконлар, фуқаролар йиғини биноси замонавий қиёфага эга. Ички йўллар текислашиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Сўлим сайилгоҳ ва пиёдалар йўлаги, нуронийлар оромгоҳи, спорт ва болалар майдончалари барпо этилган.

Янги Камолон маҳалласида 4 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 60 дан ортқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд. Бу йил хунармандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона ташкил этилди, хусусий тиббиёт пункти очилди.

...Маҳалланинг равон ва текис кўчалари асфальт бўлмасидан аввал тупроғини чангитиб кечагина елиб-югуриб юрган болалар бугун мўйсифид ёшда. Аввалига тўрт-беш, сўнграқ тўққиз қаватли тураржой биноларининг ҳар қавати тикланишига гувоҳ бўлган ёшлар бугун кексалик гаштини суриб яшамоқда. Улар бир пайтлар гуваладан қурилган пастанк уйлар ўрнида бугун осмонўпар биноларнинг бунёд бўлаётганига шохид.

Тарихий илдиэлари шу гузарларга туташиб кетган бу кекса авлод вакиллари сўзларидан кечаги кун заҳматларини, уларнинг бугунги кундан роҳат кўраётганини, эртасидан улкан умидворлик кутаётганини сезиш қийин эмас.

— Қизим, сен кўриб турган хув алвонранг томларни ямагуни-мизча пешонамиздан реза-реза тер оқари, — дея сўз бошлайди салкам ярим аср олийгоҳда таълим берган Ғайбулло Зоиров. — Кимга додигни айтишни билмайсан, идорама-идора сарсон юргунинг қоларди. Саккиз — ўн хонадон биргаллашиб ўз хисобимиздан таъмирлартардик. Бир мавсумга чидамас бу уйларда истиқомат қилувчиларнинг аксари ишчи, зиёли эмасми, рўзгоридан ортириб ҳадеб чўнтагини кавлашга ҳафсала қилмасди. Қилганда ҳам азбаройи жонидан ўтиб кетганидан чиқимдор бўлгани қанча? Мана, у кунлар ортда қолди. Маҳалламиз “Обод

маҳалла” дастурига киритилиб, қайси кўп қаватли уйда қандай муаммо борки, ҳаммаси икки-чикиригача хатлов қилинганига кўп бўлмади. Мени қувонтиргани, маҳалла аҳлининг томошбабин бўлмасдан ҳар ишга ўз ҳиссасини қўшгани бўлди. Ахир, неча йиллик битмаган чала ишлар битиб турган, хонадон остонасигача кўркаллашиб бораётган бир пайтда чеккада бўй тортти туриш ярашмайди-да. Ёшларимизнинг ғайрати, шижоати, кексаларнинг ибрати билан маҳалламизнинг жипслиги янада ортди.

Чиндан ҳам, сўнги услубдаги архитектура лойиҳалари асосида қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилган маҳалла биноси ниҳоятда гавжум. Раиснинг шинам ва ёруғ хонасидаги стол устида турган пахта гулли чойнак ва атласнусахча пиёлалар, бир ликоп парвардаю ҳолва маҳалла идораси бугун нафақат сиёсий ва ижтимоий бирлашувнинг маркази, балки миллий қадриятларни таъминлаётган барқарор тузилма эканини ёдга солади.

Хабарингиз бор, яқинда давлатимиз раҳбари Янги Камолон маҳалласига ташриф буюрди. Президент маҳаллада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳолининг ҳаёти билан яқиндан танишиди, нуронийлар, ёшлар ва маҳалла фаоллари билан савмиий суҳбатлашди. Бу ташриф маҳалла аҳли учун келгуси ишларига чин маънода улкан рағбат бўлди.

— Биз обод ва тинч маҳаллада яшаймиз, — дейди маҳалла раиси Мухаммадамин Эргашев. — Эртанги кунларимиз янада ёрқин ва фаровон бўлади, деб ишонамиз. Мамлакатимиз раҳбари кўрсатган йўлда бирдамлик билан ҳаракат қилсак, ҳар қандай муаммо ҳал бўлади. Президентнинг маҳаллага ташрифи эса барчамиз учун шод-хуррамлик улашиши билан бирга, олдиндаги вазифаларимизни бажаришда катта масъулият юкларди. У киши билан учрашиб, муаммоларимизни ва истиқболда турган режаларимизни гапира олиш имконияти берилгани биз учун катта бахт. Бундай учрашувлар одамларимиз жипслигини,



Хасан ПАЙДОЕВ ва Давронбек ЭРНАЗАРОВ олган суратлар.

кўни-кўшничлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

...Маҳалла идорасидан хотин-қизлар фаолини суриштирган, янги бир ташаббусини оқсоқолдан танишиди, нуронийлар, ёшлар билан муҳокама қилмоқчи бўлган, фарзандларини бу ерда фаолият юритаётган турли тўғаракларга бермоқчи бўлган одамларнинг оёғи узилмайди. Хусусан, маҳаллада ижтимоий-иқтисодий аҳоли юпқароқ хонадон болалари учун тасвирий санъат тўғраги иш бошлаган. Унга Ғайбулло Зоировнинг ўзи бошқоқ. Иқтидорли болалар чизган суратларнинг бир талайини кўрган киши борки, “отанга балли” дейиши аниқ.

Дарвоқе, маҳаллада академиклару профессорлар, курувчилар, шифокорлар, тадбиркор ва ноширлар истиқомат қилади. Жонажон Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси каби Янги Камолон маҳалласи ҳам юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кўплаб таниқли шахсларни камолга етказди. Бугун шу манзилдаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ҳовлиларини шодон кулгига тўлдириб

турган болаларнинг ҳар бири ёруғ келажгимиз бунёдкорларидир. Бир маҳал идорага профилактика инспекторини сўраб келган чамаси етмиш ёшлардаги Пўлат Қаландаровни маҳалла раиси суҳбатга тортиди.

— Эрта баҳорда эккан дарахт ниҳолларимни кимдир синдириб кетибди. Ҳойнаҳой, кулоқсиз болалар қилган бу ишни. Эндигина илдиэ олган эди-я, эссиз. Хозир ёз, таътил бошланган. Болалар орасида ота-оналари ишда, назоратсиз қолган битта-яриптаси бўлса топиб, керакли чорани кўриш лозим, деган ниятда келдим. Инспектор болам камерасини кўриб берса, ўша шумтақани дарров топиб олашим. Бундай нотўғри ишлардан

маҳалла идораси эмас, балки фуқароларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этиб, ҳовли ва кўчаларни кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Яқинда маҳалланинг марказий қисмида “Маҳалла аллеяси” барпо қилиниб, фойдаланишга топширилди. У ерда дам олиш ўриндилари, ёруғлик тизимлари ва кўнглини кўтарадиган гулу қиёқлар билан безатилган маҳсул майдонлар ташкил этилган. Бу маскан маҳалла аҳолиси, айникса, кексалар ва болалар учун сеvimли сайргоҳга айланиб улгурди.

Хаёт турли синовлар билан ҳар кимнинг иродасини синайди, сабр ва матонатини минг турфа чиғирикдан ўтказиши. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати боис бундай тақдир синовларини бошидан ўтказётган инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, Янги Камолон маҳалласига салкам ўн йил олдин келин бўлиб тушган Ирода Тўйчиева иккинчи гуруҳ, турмуш ўртоғи Зафар Суяров эса биринчи гуруҳ ногирони. 2020 йил айни пандемия пайтида “темир дафтар”да рўйхатда турган Ирода янги ижтимоий ҳимоя механизмининг самараси ўлароқ бугун ўзининг шахсий тилуқ корхонасига эга бўлган яққа тартибдаги тадбиркор. Тўрт нафар ўзидек хотин-қизни ҳам иш билан таъминлаган.

— Давлатимиз томонидан берилаётган имтиёз ва имкониятларнинг барчасидан тўлақонли фойдаландим, — дейди у. — Менга тилуқ машиналари ажратилди, солиқлар бўйича Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тўртинчи босқичида тахсил оламан. Эндилда электрон бозорни ўрганиш, иш кўламини кенгайтиришни ният қилиб турибман.

Турмуш ўртоғи ҳамда уч нафар фарзандининг парваришидан ортиб ўзининг меҳнат билан беэзаётган Ирода сингари интилувчан, курашчан, қахрамон аёллар боқимандалик кайфиятида юрган, бир ишининг бошини тутта олмай-диган айрим кишилар учун чинакам ибрат.

Янги Камолон маҳалласида айни вақтда камбағал оилалар сони нолга тенг. Бунинг бирдан-бир сабабини маҳалла аҳли ўзоро бирдамликда ва адолат меzonларининг тўғри йўлга қўйилганда, деб биледи.

Ўтмиши бой бу маҳалланинг бугуни янада обод, кишилари ғайратли, эртаси фаровон. Боиси бу жойда маҳалла тараққиётига ҳисса қўшувчи бунёдкор, жипс ва маърифатли оилаларнинг сулола занжири узилган эмас. Бир сўз билан айтганда, ушбу маҳаллани янги Ўзбекистон маҳаллаларининг янги қиёфаси, десак, хато бўлмайди.

Наргиза ЮНУСОВА.

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Хотин-қизлар маскани — имкониятлар маркази

Балиқчи туманида фаолиятини бошлаган Оила ва хотин-қизлар маскани ҳудуддаги хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Ушбу муассасада касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликка кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзига йўналтирувчи машғулотлар ўтказилади. Ёшларни турмушга тайёрлаш бўйича махсус курслар, болалар учун алоҳида хоналар ҳам мавжуд.

— Масканда “Бувижонлар мактаби”, “Оқила аёллар” жамоатчилиги кенгаши, фитнес ва ракс, тиббиёт хоналари фаолияти, психолог, юрист хизматлари, ёшлар учун турмуш дарслари йўлга қўйилган, — дейди Чинобод шаҳарчасида истиқомат қилувчи Гулнорахон Аҳмедова. — Аёллар бу ерда ўзига ишонини ўрганипти, янги касб, янги ҳаёт учун куч оляпти. Масалан, ўзим психолог кўмағида руҳиятни бошқариш орқали ўзига ишонини ошириш бўйича тавсия олоқмаман. Бунинг натижасида меҳнат фаолиятимдаги янги босқичга қадам қўйишни режалаштирганман.

Бундай масканлар хотин-қизлар учун нафақат билим ва кўникма манбаи, балки маслаҳат, кўмак ва руҳий мадад олиш жойи сифатида ҳам белгиланган. Маҳаллада аёлнинг мақоми мустаҳкамланса, оила барқарор бўлади, деган гоя ушбу марказ фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

«Ақлли» автотураргоҳлар барпо этилади

Андижон шаҳрида россиялик инвесторлар билан ҳамкорликда замонавий “ақлли” автотураргоҳлар куриш юзасидан келишувга эришилди. Лойиҳа доирасида бундай иншоотлар йўловчилар ва транспорт воситалари ҳаракати жадал бўлган 6 та ҳудудда қад ростлайди. Улар 5 қаватдан 24 қаватгача бўлиб, интеллектуал бошқарув технологиялари асосида фаолият юритади.



— Янги автотураргоҳлар мавжуд имкониятларни тўрт баробарга оширади, — дейди сармоядор Инна Тен. — Масалан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали ҳудудидаги 90 ўринли автотураргоҳ ўрнида 360 ўринлиси барпо этилади. Бу нафақат шифохона, балки бутун шаҳардаги транспорт ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатади.

Келгусида Бобур шаҳрида 5 гектар майдонда 20 миллион долларлик автотураргоҳ конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхона ҳам қурилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳа фойдаланишга топширилган мамлакат бўйлаб замонавий, “ақлли” ва модулли тураргоҳлар сонини кўпайтириш имконияти яратилади.

Маҳсулотнинг 48 фоизи — экспортга

“Ўзбек темир йўл таъмир” УК таркибидаги Андижон механика заводида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 190 миллиард 397 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоизга кўп бўлиб, маҳсулотнинг 48 фоизи экспортга йўналтирилди.

— Ҳозирги кунда Туркменистон ва Қозоғистон давлатлари билан тузилган шартномалар асосида темир йўл вагонлари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди завод бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Азимов. — Йилнинг иккинчи ярмида 975 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирганмиз. Бу борада ишчи гуруҳлар аниқ вазифалар устида иш олиб борапти.

Айни пайтда корхонада 12 турдаги темир йўл вагонлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш мақсадида янги технологиялар жорий этилаётди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, таниқли шоир Ботиржон Эргашевга волидаи муҳтарамаси

Сорохан МАДҒОЗИЕВАННИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ДАРАХТЛАР «ОСМА УКОЛ» ВОСИТАСИДА ДАВОЛАНАДИ

Гулистон давлат университетининг Агробиотехнологиялар ва биокимё илмий-тадқиқот институтида профессор Ҳабибжон Қўшиев ва унинг шогирдлари Тўлқин Жўраев, Мухриддин Худойназаров томонидан дарахтларнинг ҳолати, хусусан, касалликларини аниқлаш ва уларни даволашнинг инновацион усули ишлаб чиқилди.



Изланиш

Мазкур янгиликнинг эътиборли жиҳати шундаки, институт олимлари яратган биопрепаратлар дарахт танасига томчилатилган ҳолда, яъни халқ ибораси билан айтганда, “осма укол” орқали юборилади. Тажириба-синовлардан маълум бўлдики, ушбу биотехнологик муолажалар орқали касалликлар бартараф этили-

ши билан бирга дарахтларнинг барқарор ўсиши ва ривожланишига ҳам эришилади.

— Дарахтларнинг соғломлиги ва атроф-муҳитга янада кўп фойда келтиришини таъминлашда ушбу усул катта самара беради, — дейди мазкур илмий-тадқиқот институти директори, профессор Ҳабибжон Қўшиев. — Шунингдек, илмий аҳамиятга эгаллиги баробарида амалиётда қўлланганларга ҳар жиҳатдан фойда келтиради. Айниқса, богдорчилик ҳамда дарахтларни асраш билан шуғулланувчиларга бу технология кўплаб имкониятлар эшигини очади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Театр жамоаси — халқаро фестиваль ғолиби

Қашқадарё воялоти музикали драма театри ижодий жамоаси Нидерландия мамлакатига ўтказилган “MIT — Mostra Internacional de Teatro” номли IV халқаро театрлар фестивалида иштирок этди.

Фахр

Қувонарлиси, ушбу нуфузли фестивалда Антон Чехов асари асосида сахналаштирилган “Тақлиф ва тўй” спектакли билан қатнашган жамоамиз “Энг яхши спектакль” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

— Бу фестивалдаги иштирокимиз бизга янада кўпроқ ижодий руҳ, шижоат бағишлади, — дейди театр актёри Парда Номдоров. — Ҳар бир чиқишимизни муҳлислар жуда катта қизиқиш, олқишлар билан қарши олди. Театри-



мизда янада янги-янги спектаклларни қўйиш, келгусида ҳам уларни жаҳон сахналарига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйдик.

Театр жамоаси Нидерландиянинг бир қатор шаҳарларида гастроль сафарларини ҳам амалга оширди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Тошкентда Ботир Зокиров номидаги мемориал музей ташкил этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатиди маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибямат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайлади.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланяди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.10

Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6